



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2000 йил 20 декабрь, чоршанба

№97 (11.282)

Эркин нархда сотилади

БИЛИМЛАРИМИЗ ОНА ВАТАН ХИЗМАТИДА

Кейинги йилларда республикамизнинг 740 нафардан ортиқ талабаси «Умид» жамғармаси томонидан жаҳоннинг ривожланган давлатларининг олий ўқув юртига ўқишга юборилган эди.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетда бўлиб ўтган учрашувда «Умид» жамғармаси стипендиатлари - хорижий олий ўқув юрти ботирувчиларининг ўқишни тугатиб, Ватанга қайтган йигит ва қизларнинг билимларидан самарали фойдаланиш йўллари ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, учрашувда ҳозирги пайтда ушбу йигит-қизлар меҳнат қилаётган республика вазириликлари, идоралари, ташкилотлари раҳбарлари ва вакиллари ҳам иштирок этди.

«Умид» жамғармаси бошқаруви раисининг ўринбосари Музаффар Зиёев учрашув иштирокчиларига жамғарма йўлланмаси бўйича чет элда таълим олиб қайтган икки юздан ошқ 100 мутахассислар республикамизнинг 70 дан ортиқ давлат тузилмаси, ташкилотлар, банклар, уюмлар ва корпорацияларда меҳнат қилаётган ҳақида

маълумот берди. Йилнинг охиригача Ўзбекистонга жамғарманинг яна 70 нафар стипендианти қайтиб келади. Мамлакатимиз халқаро ҳамжамиятга янада фаол интеграциялашиб, жаҳон ҳўжалик муносабатларининг тенг ҳуқуқли иштирокчисига айланиб бормоқда. Шунинг учун мутахассисларни тайёрлаш сифати ва уларнинг малака даражасига нисбатан жаҳон андозаларига мос талаблар қўйилмоқда. 1997 йилда Президент Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Умид» жамғармаси икки йилдан бери қизларга шундай даражада таълим олиш имкониятини яратиб берди. Учрашувда бу ғамхўрлик уларга олган билимларини амалда қўллаш масъулиятини юклаш ҳақида сўз юритилди. Ўқишни ботириб қайтган «Умид» жамғармаси стипендиатларини ишга тақсिमлаш масалалари Президент фармо-

ишига кўра ташкил этилган махсус ишчи гуруҳи томонидан мувофиқлаштирилмоқда. Шунингдек, ишчи гуруҳи жойларда уларнинг имкониятларидан қандай фойдаланилаётганини ҳам назорат қилади. Бунинг учун йилга икки марта ёш мутахассислар меҳнат фаолиятининг мониторингинг ўтказилиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда уларнинг қанчалик фаол иштирок этаётгани аниқланмоқда. Учрашувда бу ишларнинг натижаси ҳақида ҳам сўз борди. Шунингдек, учрашувда ёш мутахассисларнинг асосий ишчини ўқитувчилик фаолияти билан боғлаш зарурати, уларга магистратура ва аспирантурада ўқишни давом эттириш учун шaroит яратиш зарурлиги каби масалалар ҳам муҳокама этилди. Бунинг учун чет эл университетлари дипломларининг Ўзбекистон олий ўқув юртига томонидан бериладиган ҳужжатлар билан тенглаштириш муҳим аҳамиятга эга.

А.ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.

Соғлиқни сақлаш ва ислохот

МУОЛАЖАЛАР ТЕЗКОР БЎЛАДИ



Юқоричирчик тумани маркази шифохонаси қошида шoшилiнч тиббий ёрдам маркази аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

Шу муносабат билан ўтказилган маросимда сўзга чиққан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Дилором Юсупова вилоятимизда ва хусусан мазкур туманда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш турлари ва уларнинг қўламлигини ошириш, бу хил муассасаларга мурожаат қилаётганларга кўрсатилаётган муолажаларнинг малакали ва сифатли бўлишини таъминлаш борасида қилинаётган ишлар ҳақида сўзлади.

Янги марказда ҳам аҳолига тезкор малакали тиббий кўмак бериш учун ҳамма шарoитлар яратил-

ган. Бу ерда ҳар бири ўн ўринли жаррохлик, даволаш ва болалар бўлимлари ҳамда олти ўринли жонлантириш бўлими иш бошламоқда. Уларда малакали беш шифокор, қирқтадан ҳамшира ва кичик ҳамширалар беморлар хизматида бўлиладилар. Хусусан, Укматайла Бегимов, Муҳиддин Норматов, Аскар Қулматов каби олий ва биринчи тоифали шифокорлар, Комила Бегматова ва Нилуфар Ҳожитоева сингари ҳамширалар келтирилган беморларнинг касалликлари ҳолатига қараб, бир кундан етти кунгача уларни парваришлайдилар, зарур барча муолажаларни амалга

Шoшилiнч тиббий ёрдам янги марказининг очилиш маросимидида вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев иштирок этди.

СУРАТЛАРДА: шoшилiнч тиббий ёрдам марказининг кўриниши ва муолажа хоналари. Даврон АҲМЕДОВ олган суратлар.

Вилоят ҳокимлигида

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ЙИГИЛИШИ

Кеча 18 декабрь куни вилоят ҳокимлигида вилоят Хотин-қизлар қўмитаси бошқарув хайъатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокимининг муовини, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Ҳўжаева бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳамасининг 2000 йил 15 февралдаги ҳамда Тошкент вилоят ҳокимининг 2000 йил 2 мартдаги «Соғлом авлод» давлат дастурининг бажарилиши юзасидан вилоят шаҳар ва туманлари хотин-қизлар қўмиталари фаолияти ҳақида бошқарув хайъатининг аъзоси Раёно Тўраеванинг ахбороти тингланди.

Жумладан, нотик «Соғлом авлод йили» муносабати билан вилоятимизда Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратилган режалар қандай бажарилаётгани ҳақида ахборот берди. Шунинг билан хотин-қизлар қўмитаси раиси Раҳима Аҳборова ва Бебирғалида дастурнинг айрим бўлимларида белгиланган тадбирларга етарлича эътибор берилмаяпти.

Шoшилiнч тиббий ёрдам маркази ушбу муассасанинг бунёд этилиши ва ишга туширилишига муносабат билан қўшган ҳимматлари ва бошқа ташкилотларга самимий миннатдорчилик билдирди.

Шoшилiнч тиббий ёрдам янги марказининг очилиш маросимидида вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев иштирок этди.

СУРАТЛАРДА: шoшилiнч тиббий ёрдам марказининг кўриниши ва муолажа хоналари. Даврон АҲМЕДОВ олган суратлар.

ВИЛОЯТ ҳаёти

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА

ҚИБРАЙ туманидаги богдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган Мусаммадоев номи ширкат ҳўжалиги янги йил байрами арафасида хайрли тадбир бошлади.

Тошкент шаҳри атрофида истикомат қилаётган аҳолининг байрам дастурхонини безаш учун ёрдам бериш мақсадида Қорасув ва Юнубод бозорларида, экскаватор ва кабел заводлари каби йирик корхоналарда мева сав-

досини ташкил этди. Ҳозир кунига ярим тоннадан зиёд саралаб сакланган олма сотилмоқда. Айниқса, сархил олма 60-70 сўм, яъни бозордагидан анча арзон нархда сотилаётганидан аҳоли хурсанд.

С.САРИМСОҚОВ.

ОЙЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

АНГРЕНДА меҳр-муруват ойлғи давом этмоқда. Унда, айниқса, ногиронларнинг ўқис кўнглини кўтаришга, уларга моддий ёрдам кўрсатишга қаратилган тадбирлар қўлаб амалга ошириляпти.

Кунчи кеча шундай ҳасталар «Комила» нодавлат ташкилотининг меҳмони бўлдилар. «Эсмина» қаҳвахонасида меҳмонлар ноз-неъмат-

га тўла дастурхон атрофида кўнгли ёздилар. Уларга ош тортилди ҳамда турли совға-салоомлар улашилди.

Собирав ҲАМИДОВ.

ЧИНОЗДАН СОВРИНДОР

ЧИҚДН

ЧИНОЗ туманида таъқвондо маркази очилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ, аммо унинг самараси буй кўрсата бошлади.

Марказнинг фаол ҳаракати билан қисқа даврда қўлаб ўрта мактабларда таъқвондо тўғараклари очилиб, машғулотлар мунтазам йўлга қўйилган эди. Мана энди туман вакиллари нафақат вилоят ёки республика, балки йирик қўша муСОБАқалари майдонига ҳам чиқа бошладилар. Чунончи, Россиянинг Санкт-Пете-

бург шаҳрида таъқвондо бўйича ўтказилган «Оврпо кубоги» очик турнирида чинозлик Элмурод Тожибoев муваффақиятли қатнашиб, бронза медали билан қайтди. Энди у келаси йилнинг февралда Чехияда бўладиган очик Оврпо чемпионатида тайёргарлик кўришга киришди.

ЎЗ мухбиримиздан.

ВИЛОЯТ ҳаёти

Янги аср остонасида

ТИНЧЛИК, ТАРАҚҚИЁТ, ФАРОВОНЛИК

йигирма биринчи асрдаги бош шiorимизга айланади ва бу эзгу мақсадимизнинг рўёбга чиқишига шак-шубҳа йўқдир

АЛЛОҲНИНГ ҳамма бандасига ҳам насиб бўлавермайдиган буюқ тарихий воқеа арафасида турибмиз. Ҳадемай, бирйўла янги йилга, янги асрга ва яна ҳаёгонлиги янги мингйилликка қадам қўямиз. Икки аср ва айниқса, икки мингйиллик юзини кўриш ҳақиқатан ҳам жуда ҳаёгонли, кишига ўзгача руҳ бахш этадиган воқеадир.

Бундай пайтда одатда бoсib ўтилган йўлга назар ташланади, улғурилган-улғурилмаган ишлар қайта сарҳисоб қилинади, навбатдаги вазифалар чамалаб кўрилади, янги режалар тузилади. Бошқача қилиб айтганда, киши «нима қилдим-у, энди нима қилишим керак?» деган саволга беихтиёр жавоб излайди.

Иккинчи қаҳриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясида Президентимиз йигирминчи аср бутун ўзбек халқи тарихида энг азиз, энг муборак юзйиллик сифатида бир умр муҳрланиб қолажagini таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам биз ўтаётган асримиздан миннатдор бўлсак арзийди. Айниқса, унинг сўнгги ўн йили ичида эришган ютуқларимиз ҳар қанча фахрланасак арзийди. Биргина давлат мустақиллигига эришганимизнинг ўзи аждодларимиз асрлар оша орзу қилиб келган буюқ неъматдир.

Кўхна тарих учун сониядек гап бўлган ана шу қисқа давр ичида мамлакатимизда ҳуқуқий, демократик давлатнинг пойдевори қўйилди, фуқаролик жамиятининг асослари яратилди. Халқимизнинг онги ўтди, дунёқараши тубдан ўзгарди. Энг муҳими, ватандошларимизнинг чинданам Ўзбекистон келажиги буюқ давлат эканлигига ишончлари тобора ортиб бормоқда. Мен бунга ҳўжалигимиз аъзоларининг тетик руҳ ва ҳуш қайфиятларида ҳам ақлол қўраман. Ҳўжалигимизни фуқаролик жамиятининг кичик бир кўриниши дегим келади. Чунки, биз ҳам ўзинишга яраша жомоамиз. Жамиятда фуқаролик бурчи бўлса, жомоамизда ҳам аълолик масъулияти бор. Яъни ҳар бир пудратчи ўзига бириктириб қўйилган ер учун ҳам, ҳосил учун ҳам масъул. Ҳисоб-китоб қилишда бошқарув билан тузилган шартнома қонуний кўчга эга.

Ҳўжалигимизда ўрнатилган ана шу қатъий тартиб, нафақат жомоа, балки биринчи галда деҳқонларнинг ўзлари учун айни мўдао бўлапти. Ҳосилдорлик барқарор, бирор йил йўқси, режа барбод бўлсин. Бу йил пахта режаси 138 фоиз бажарилди. Агар ёгингарчилик заботига олмаганда, ҳосилдорлик 50 центнердан ошарди. Даромадни ҳам шундан билса бўлади. Аъзоларнинг ойлик маоши қандай қилиб бериб борилади. Етиштирган ҳосилнинг ҳақини пировард ҳисоб-китобдан сўнг яхлит қилиб оладилар.

Айтмоқчиманки, ҳўжалигимиз аъзолари янги асрга ўтган даврдан қониқиб қайфияти, шунингдек, янги орзу-ниятлар билан қадам қўймоқдалар. Улар Олий Мажлисининг Ўзбекистон халқига мурожаатида таъкидлаганидек, юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашда янада фаол иштирок этишга астойдил бел болаганлар. Зеро, келажакда фаровон ва бахт-саодатли ҳаёт барпо этиш фақат ўз қўлимизда, ўз меҳнатимизда боғлиқ эканлигини яхши англаб етганлар.

Эргаш НИЁЗОВ,
Оққўрғон туманидаги «Ўзбекистон» жомоа ҳўжалиги раиси.

ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Муборак Рамазон ойида вилоятимизда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Қибрай туманидаги Салор кўрғонидида истибод йилларининг қатогон даври қўбонлари яна бир гуруҳининг жасадлари дафн қилинди.

Икки йил мобайнида вилоят «Олтин мерос» жамғармасининг қидирув экспедицияси ўша муҳим давр қўбонларининг суякларини Бўзсув дарёси қирғоғидан олиб, бошқа ерга дафн қилиш билан шўғулланган келмоқда. Вилоят ҳокимининг қарори билан бу ерда «Шахидлар хотираси» мажмуасини яратиш кўзда тутилган.

Экспедиция ишига Қибрай тумани ҳокимлиги, Салор кўрғони раҳбарияти яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар. Хусусан, дафн маросимидан сўнг, шахидлар хотирасига бағишлаб ифторлик ўтказилди.

Утганларни ёд этиш маросимидида вилоят ҳокимининг муовини Сайёра Ҳўжаева иштирок этди.

Шoирав АБДУШОҲИДОВА.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ шу йил 4 ноябрь сониди эълон қилинган «Машъалнинг сўниши» сарлавҳали мақолада Тошкент туманидаги Фуломмаҳмуд Абдуллаев номи ширкат ҳўжалигининг наслчиликка ихтисослашган чорвачилик фермасидаги бугунги аълол танқидий руҳда чуқур ва атофалиқ таҳлил қилинган эди. Таҳририят шу мақола юзасидан ҳўжалик бошқаруви раиси Илҳом Маҳкамовнинг имзоси билан жавоб хати олди.

ХАТДА маълум қилинишича, танқидий мақолада келтирилган барча далил ва фирмулоҳазалар бошқарув аъзоларининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама этилган. Унда туман ҳокимининг чорвачилик масалалари бўйича муовини ҳамда туман кишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси раҳбарлари иштирок этган.

Йиғилишда сўзга чиққанлар мақолада билдирилган барча танқидий мулоҳазалар асосли эканлигини таъкидлаш билан бирга фермадаги аҳволни ўнглаш учун етарли имкониятлар мавжудли-

ги ва уларни зудлик билан ишга солиш чоратадбирлари ҳақида аниқ тақлифлар қиритганлар. Ана шу тақлифлар асосида қабул қилинган йиғилиш қарорига мувофиқ, бугунги кунгача бир қатор амалий чоралар қўрилганлиги айтилган. Хусусан, ноябрь ойининг охиригача биринчи галда молхоналарни қайта таъмирлаш, электр таъминотини яхшилаш мақсадида иккинчи трансформаторни ҳам ишга тушириш, молларни қиш ойларида тўлиқ рацион билан боқиш мақсадида

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«МАШЪАЛНИНГ СЎНИШИ» (2000 йил 4 ноябрь)

«Вино заводи» ва «Оҳангарондон» корхоналари билан шартномалар тузиб, барди ва омухта ем ташиб келтирилиши йўлга қўйиш, Янгийўл ва Тошкент ёғ-мой комбинатларидан 70 тонна чигит шелухаси, 70 тонна шрот ташиб олиш, Тошкент туманидаги «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалигидан 100 тонна сомон ва 20 тонна дағал хашак, С. Раҳимов номи ҳўжалиқдан эса 360 тонна

ри Шавкат Мухаммаджонов эғаллаб турган вазифасидан озод қилинди. Кўп йил давомида шу фермага раҳбарлик қилган тажрибали мутахассис Саидикром Юсуфҳўжаев ферма мудири этиб тайинланди.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ўйлаймизки, ҳўжалик раҳбарияти юқорида келтирилган тадбирларнинг ўзлари белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлайдилар ҳамда чорвачилик фермасининг маркейини тиклаш учун бундан бўён ҳам қатъий чоралар кўрадилар.

Шунингдек, йиғилишда тақлиий масала ҳам кўрилган. Ферма ночор аҳволга тушиб қолганлиги сабабли унинг муди-

АЗИЗ ДЎСТЛАР!

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га абуна давом этмоқда!

ИЧКИ ИМКОНИЯТ — АСОСИЙ КАФОЛАТ

БУ ЙИЛ Бўстонлик туманида сабзавот, мева, узум режалари бажарилмади. Бунинг учун, одатдагидек, туман ва ҳўжаларнинг раҳбару мутахассисларидан тортиб, олдий деҳқон ва боғбону соҳибдорларини ҳам айблаш мумкин. Аммо, масалага ҳолис ва одилона ёндашилса, туман ақлини ортиқча танқид қилиш ноўрин бўлиб чиқади. Шу билан бир вақтда улар йўл қўйган камчилик ва нуқсонлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. албатта.

ҲАҚИҚАТАН ҳам туманда вазият оғир келди ва шу боис режаларни урдалашнинг имкони бўлмади. Масалан, бу йил 43 минг 860 тонна сабзавот маҳсулотлари етиштирилиши керак эди. Шундан 34 минг тоннаси ёки 77,5 фоизи помидор. Амалда эса 28 минг 975 тонна, шу жумладан 18,1 минг тонна помидор етиштирилди. Кўриниб турибдики, агар помидор ҳосили мўлжалдагига етганида, сабзавот режаси ҳам ортиги билан бажарилган бўларди. Афсуски, юз берган табиий офатлардан айнан помидор қаттиқ шикастланди.

Туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бош ҳосилоти Зайдулла Сатторовнинг қундалик иш дафтаридида қайд этиб қўйилганига қараганда, аввалига 24 апрелда, иккинчи марта эса 14 июль кунини кучли дўл ёғди. Табиий офат нафакат помидор, балки мевали боғларга ҳам катта зарар етказди. У меваларни тўкиб юборганидан ташқари дарахтларнинг майда шох-шабаларини ҳам синдириб ташлади. Ҳуллас, 938 гектар майдонда дўлдан зарар кўрмаган боғ қолмади, десак муболаға бўлмайди. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, режадаги 11 минг 25 тонна ўрнига 6325 тонна мева етиштирилди.

Табиийки, икки марта ёққан кучли дўл туман тоқзорларини ҳам четлаб ўтмади, албатта. Бирок, соҳибдорлар офатдан омон қолган ҳосилининг бўлиқ бўлиб етилишини таъминлаш мақсадида, ёз давомида тоқзорларда қўшимча агротехника чора-тадбирларини қўладилар. Натижада, узум режаси сабзавотчилик ва мевачиликдаги каби тегишлича 62,4 ва 57,4 фоизда қолиб кетмай, 75,8 фоизга етказилди. Туманда ким билан суҳбатлашманг, шуниси ҳам шукр дейишади. Чунки, саратонда ёққан дўл унча-мунча экинни омон қолдирмади.

— Туманимизга келган табиий офат фақат дўл билан чекланиб қолмади, — дейди Зайдулла Сатторов. — Саратон ва ёз чилласи давомида бир неча марта кучли гармсел шамоли ҳам эсди. Бунақасини ҳеч кўрмаганидир. Ишонасизми, ҳали кўм-кўк бўлиб турган ўлмалар икки-уч кун ичида сарғайиб қолди, йириклашмади. Устига-устак, кўпи тўкилиб кетди.

Маълумки, дўл ҳам, гармсел ҳам ёппа эмас, оралаб ўтади. Шу боис табиий офатдан «Бурчмулла», «Хўжакең», «Бўстонлик», Амир Темур номи, «Сойлик», «Дўстлик» ва «Паргос» ҳўжаликлари айниқса, кўпроқ зарар кўрдилар. Бирок шуниси қувончли-

ки, уларнинг бирортаси ҳам йилни зарар билан яқунлагани йўқ. Хатто, дўл ва гармсел кучсизроқ бўлган Абай номи, «Қўшқўрғон», «Боғистон», Тилиб Назаров номи, «Хондойлик», «Сижжак» каби ҳўжаликлар бир миллиондан 11,5 миллион сўмгача фойда билан чиқмоқда.

Режаларнинг урдаланмай қолганлиги ва айниқса, бунинг узрли ва уэрсиз сабаблари ҳақида сўз юритилганда, бу йил бутун республикада юз берган қурғоқчиликнинг салбий оқибатларини ҳам тилга олиш жоиздир. Тўғри, Бўстонлик шундай ҳудудки, бу ерда табиий сўғирши тармоқлари жуда оз. Сўғорма майдонларда экинлар асосан бўлоқ сувларидан ичади. Қаранг, бу йил ана шу имкониятнинг ҳам иложи бўлмапти. Ҳўжаликларда бўлганимизда, кўпгина бўлоқлар нима сабабдан-дир қуриб қолганлигини айтишди.

Ана шундай мураккаб вазиятлар ҳисобга олиниб, туманда асосий маҳсулот сифатида дон етиштириш режасини сўзсиз бажаришга барча куч ва имкониятлар сафарбар этилди. Айниқса, мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиб, биринчи навбатда галлани керак пайтда сувга қондиришга ҳаракат қилинди. Натижада, давлатга дон сотиш шартнома режаси 7360 тонна ўрнига 7448 тонна қилиб, ортиги билан адо этилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, сабзавот, мева, узум режаларининг бажарилмаганлиги сабабини фақат табиий офатларга йўйиш тўғри бўлмайди, албатта. Ишнинг ривожига тўғаноқ бўлаётган, режаларнинг барбод бўлишига олиб келаётган шундай ички муаммолар ҳам борки, уларни жойларнинг ўзида бемалол ҳал этиш мумкин ва лозим. Масалан, кўп жойларда ўғит ва ёнилғи вақтида етказиб берилмаслигидан қолишади. Кўп ҳолларда эса маблағи борга ўғит ва ёнилғи топиламайди ёки аксинча, ўғит ва ёнилғи бўла туриб, кўп ҳўжаликларнинг маблағи бўлмайди. Бу муаммо фақат Бўстонлик туманига тегишли эмас, албатта. Муаммоларни рўқач қилиш ўрнига ташаббус кўрсатиб, бироз жон куйдириб, имконият топишининг наҳотки, иложи бўлмаса? Шундай қилаётганлар ҳам оз эмас-ку, ахир.

Балки, Бўстонлик туманида ҳам юқорида айтилган кучли табиий офатлар юз бермаганида, қишлоқ ҳўжалигининг асосий тармоқларида режалар урдаланган бўларди. Қолаверса, бундай ноҳуш вазиятларнинг келгусида такорланмаслигига ҳеч қандай кафолат йўқ. Бу — табиатга боғлиқ. Демак, ҳар қандай вазиятда ҳам максадга эришиш имконини берадиган асосий кафолат ички имкониятлардир. Уларни тўла ва оқилона ишга сола билиш учун доимо шай турилган жойда режалар бажарилиб, баҳоналарга ўрин қолмайди.

Абдусамат ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Яқун. таҳлил. ҳулоса

Тўй КАМЧИҚИМ БЎЛСА ЯХШИ-ДА

Қибрай туманидаги «Оққовоқ» қишлоқ фуқаролар йиғинида «Дархон» ва «Навбахор» маҳаллалари вакилларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда тўй-ҳашам ва маъракаларни камчиқим ва ихчам ўтказиш, ноҳиоз удумларга барҳам бериш масалалари муҳокама қилинди. Шу масалада маҳалла оқсоқоли Абдуҳамид Хайит-мирзаевнинг маърузаси тингланди.

Шунингдек, йиғилишда «Оққовоқ» қишлоқ шифохонаси мудираси Саодат Мирзаева келин-куёвларни тўйдан аввал шифокорлар кўригидан ўтказиш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Ўз мухбиримиз.

Бугунги оғузда ва фаровон ҳаётимиз кўп жиҳатдан чегараларимиз дахлсизлиги, сарҳадларимиз тинчлиги-осойишталигига боғлиқ. Вилоятимиз ҳудудларида ўтказилаётган «Антитеррор» тадбирларининг мақсади ва вазифалари ҳам аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, жойларда жамоат тартибини сақлашга қаратилгандир.

«Антитеррор» тезкор тадбирига вилоят ички ишлар идоралари ходимлари ва автоуловлар жалб этилган бўлиб, маҳалла посбонлари, жамоатчилик вакиллари билан биргаликда чегара масканлари ва блок-постларида хизмати қўйилган тарзда олиб борилаётганлиги вилоят ҳудудидида вазиятни барқарорлаштиришига, содир этилган оғир ва ўта оғир жиноятлар сочининг қамал-йишига олиб келмоқда.

Айниқса, Ангрен, Янгиобод шаҳарлари, Бўстонлик, Охангарон, Паркент туманларида «Антитеррор» тадбири алоҳида назоратга олинган ҳолда ўтказилмоқда. Тадбир бошланган кундан бошлаб дала ҳовлилари, дам олиш қароргоҳлари, табиий ва сунъий қазилмалар, ертўлалар, шахталар, кўп қаватли биноларнинг қордоқлари ва ертўлалари, ўрмон ва чалкақзорлар диний-экстремистлар, жангарилар ва шу тоифадаги шахслар яшириниши мумкин бўлган жойлар сифатида ёки улар яшириб қўйган қурол ва ўқдориларни топиш мақсадида синчиклаб текшириб чиқилмоқда.

Текширув пайтида Янгийўл туманидаги «Янги

ларни аниқлаш, рухсатнома тизими бўйича ҳисобда турган шахсларни ва муассасаларни текшириш чоралари ҳам амалга оширилмоқда.

Тадбир бошлангандан буюн товланмачилик ўғирлик, гиёҳвандлик, моддалари билан боғлиқ бир қатор жиноятлар очилди. Пскент ту-

«АНТИТЕРРОР» — ЖИНОЯТНИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИ

манида «Пскент пахта тозалаш заводи» очик турдаги ҳиссдорлик жамиятининг раиси иш жойида «Турсунали» хусусий фирмаси директори муовини Абдутолиб Ғаниевдан пахта тозалаш заводида топирилган маҳсулот учун фирма ҳисоб рақамига 1.234.000 сўм пул ўтказиб бериш эвзасига 100 минг сўм пулни пора сифатида олаётганида ушланди.

Қибрай туманида тадбиркор Г. Александрнинг бўйича сиртмоқ тортилиб, ҳовлисидаги дарахтга осилган жасади топилган эди. «Антитеррор» тадбирини ўтказиш жараёнида ушбу мудҳис ҳолатиларни содир этган шахс ҳеч қандай иш-

КОНСТИТУЦИЯ ФАН СИФАТИДА ЎРГАНИЛАДИ

лол ғоясини ўрганиш ва тарғиб қилиш марказлари талабалар билан Конституцияга бағишланган учрашув ва суҳбатлар уюштиришни ўз зиммасига олган. Мазкур марказлар ўқув дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этадиган ижтимоий фанларнинг энг яхши ўқитувчиларини ўз сафларига бирлаштиради. Улар олимлар ва мутахассис-хуқуқшунослар билан ҳамкорликда ёшларда хуқуқий онгни шакллантириш, талабаларнинг хуқуқий мадания-

тини ошириш билан шуғулланади. Афсуски, кўпчилик фуқаролар мамлакатимиз Асосий Қонунининг маъно-маънавий асл моҳиятини ҳанузгача чуқур ўрганишмаган. Зеро, ундан фуқароларнинг ҳақ-хуқуқлари ва мажбуриятларига алоқадор кўплаб долзарб масалаларга жавоб топиш мумкин. Шу боис, биз жонажон Конституция-мизни нафакат шунчаки билишимиз, балки уни амалда қўллаб олишимиз ҳам лозим бўлади. Бу, айниқса,

ёш замондошларимиз учун жуда муҳимдир. Ўқув юртларида бўлиб ўтаётган учрашувларда Асосий Қонунимиз жамиятнинг демократик асосларда ривожлантирилишининг барча талабларига жавоб бера олиши ва хуқуқий давлатни қуриш жараёнида юзага келадиган муаммоларни ҳал этишда мустаҳкам пойдевор ҳисобланиши ҳақида гапирилмоқда. Олимлар ва мутахассисларимиз йиғит ва қизларга давлат ҳам, жамият ҳам аввало инсон-

га хизмат қилиши лозимлиги, шунингдек унинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи Асосий Қонунимизнинг демократик асослари хусусида батафсил тушунча беришмоқда. Бўлиб ўтаётган барча учрашувлар давомида Конституция мамлакатимизда амалга оширилаётган барча тўғри-ришларнинг асоси бўлиб хизмат қилаётгани ва у келажақда жамиятимиз таракқиётининг кафолати эканлиги алоҳида қайд этилмоқда.

А. ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.

Танлов

ИЛК БОР БЕЛЛАШДИЛАР

Олмалик шаҳридаги «Кимёгарлар» маданият саройида вилоятда илк бор шаҳарлар бўйича савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳодимлари кўрик-танлови бўлиб ўтди.



«Тошкентвиллоятсавдо» акциядорлик компанияси томонидан уюштирилган мазкур тадбир йилнинг энг яхши сотувчиси ва қандолатчисини аниқлаб берди. Унда вилоят шаҳарлари бўйича савдо корхоналарининг тўққиз ҳамда умумий овқатланиш корхоналарининг беш нафар ходимлари ўзаро беллашдилар. «Қасбим - фахрим», «Маҳорат», «Реклама - муваффақият омили», «Харидор (мижоз) доим ҳақ», «Истеъдод» шартлари бўйича баҳслашувлардан сўнг, Олмаликдаги «Савдо» масъулияти чекланган жамият ходими Қажрамон Нодиров ҳамда «Бекободсавдо» акциядорлик жамиятига қарашли «Дўстлик» дўкони вакили Рустам Раскалиев «Энг яхши сотувчи», «Ангренгаом» корхонаси ходими Любовь Абазарова «Энг яхши қандолатчи» деб топилдилар. Фоллиб ва совриндорларга «Тошкентвиллоятсавдо» акциядорлик компанияси раисининг муовини Нуриддин Маҳмамов қимматбаҳо эсдалик совғаларини топширди.

Шартлар бўйича баҳслар оралиғидаги танлаш-фуслар чоғида тадбир иштирокчилари ва томошабинлар ҳушовоз хонанда Дилноза Исмиёнова ижросидаги куй ва кўшиқлардан баҳра олдилар.

Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, бундай кўрик-танлов, қизқарли баҳсларни тез-тез ўтказиб туриш аҳолига савдо ва умумий овқатланиш хизмати кўрсатиш даражасини яхшилаш, тармоқ ходимлари касб маҳоратини ошириш имконини беради. Қолаверса, улар вилоят маданий ҳаётига ҳам муносиб ҳисса қўшади.

Убайдулла ХИКМАТОВ.
СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдан лавҳалар.
Дилшод Аҳмедов олган суратлар.

Фаройиб фестивал

Тошкентда Индонезия таомлари фестивали бўлиб ўтди. Уни Буми Тошкент Интернэшнл Отел ва Биз-тел GSM ёрдамида Индонезиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташкил этди.

Биз мана шундай ажойиб фестивалда сиз билан учрашиб турганимиздан ғоятда хурсандмиз, — дейди Индонезиянинг Ўзбекистондаги Фавкулдада ва Мухтор элчиси Хидоят Гастина. — Мазкур фестивалга ташриф буюрган ҳар бир одам бизнинг таомларимиздан татиб кўриб, уларни баҳолабгина қолмай, балки Индонезия халқининг миллий рақслари билан ҳам танишиши мумкин.

Бизнинг урф-одат ва анъаналаримиз меҳмондўст ўзбек халқиникига жуда ўхшаш.

Ушбу фестивал икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва биродарлик муносабатларининг мустаҳкамланишига хизмат қилади, деган умиддаман.

(ЎЗА).

БОЗОР

КЕНГАЙМОҚДА

Бекобод марказий бозори кенгайтирилипти. Аҳолига савдо хизматини яхшилаш шунинг талаб қилмоқда. Шаҳар ҳокимлиги яқинда бозор ҳудудига яна икки гектардан ортиқ ер қўшиб беришга қарор қилди.

Бу ерда турли савдо шохобчаларини барпо этиш ишлари бошланиб кетди. Уларнинг кўпчилигини бекободликларга маиший хизмат кўрсатувчи тармоқлар ташкил этади. Чунончи, пойабзал, соатлар, электр асбоблари ва бошқа шу каби рўзгорда фойдаланиладиган анжомларни таъмирлаш устaxonалари барпо этилади, новвойхона қурилади. Ҳозирнинг ўзида 20 нафарга яқин фуқаро бу ерда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирди ва улар ўзлари учун ажратиб берилган ер майдонларида қурилиш ишларини бошлашди.

Ўз мухбиримиздан.

Оғоҳлик — давр талаби

ларида ўтказилган бундай тадбирлар давомида Республикадан товар-моддий бойликларини ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш бўйича ҳам қонунбузарликлар аниқланиб, қўшни мамлакатларга олиб чиқиб кетилаётган 289.850 сўмлик товар-моддий бойликлар ушлаб қолинди. Шу жумладан, 673 литр дизел ёқилғиси, 550 дона нон маҳсулотлари, 140 кг. рангли металллар ана шулар жумласидандир.

Тошкент туманидаги «Фишткўприк» чегара масканда Қозғистон фуқароси С. Қуатбой умумий нархи 2.264.595 сўмлик 53 хил турдаги дори-дармонларни, «Қушқўнди» чегара масканда Х. Раҳим қўл аравада 100 литр соялар, «Навоий» чегара масканда Х. Жанна 300 дона буханка нонларини Қозғистон республикасига олиб чиқиб кетаётганларида ушланганлар. Товар-моддий бойликлар божхона масканларига топширилди.

Дарҳақиқат, ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Билиб билмай ёки ҳеч ким сезмайди, дея қилинган қинғир иш фош этилмай иложи йўқ.

Максууда СУЛТОНОВА,
вилоят ИИБ Матбуот маркази ходими.

БОЛҒАЛИГА ГАЗ КЕЛАДИ

Бугунги кунда жуда кўпчилик турмушини табиий газсиз тасаввур қилиши қийин. Табиий газ бекаларнинг қанча-қанча ишларини енгиллатиб, жонига оро қилганига анча вақт бўлганига қарамай, республикамизнинг баъзи чекка қишлоқлари аҳолиси учун у ҳамон муаммо бўлиб қолмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида қимматлашиб кетган газ қувурларини чекка қишлоқларга олиб бориш катта харажат талаб қилади.

Бу харажатни қўтариш қишлоқ аҳолисининг ҳаммасига ҳам бирдек тўғри келавермайди. Агар чекка қишлоқларда ҳам халқпарвар ва тадбиркор кишилар бўлса, муаммолар аста-секин ҳал бўлаверади.

Тошкент вилояти Охангарон туманидаги «Шодмалик» ширкат ҳўжалигига раҳбарлик қилаётган Турдали Кушев кир-адирлар орасида жойлашган Болғали қишлоғини газлаштириш ишларига астойдил бел боғлади. Раис ҳўжалик раҳбарияти, фермерлар, қишлоқ оқсоқоллари билан маслаҳатлашиб, маблағ масаласини ҳал қилди. Газлаштиришга кетадиган сарф-харажатнинг 40 фоизини аҳоли, қолган 60 фои-

зини ҳўжалик ва фермер ҳўжаликлари тўлайдиган бўлди. Ишга кириштирилиб, бугунгача 518 метрли газ қувурлари ётқизилиб, монтаж ишлари олиб бориляпти. Бу савоб ишга ҳўжалик қасаба уюшмаси қўмитаси раиси Ортиқ Эшмуродов, меҳнат фахрийси Маҳкам Бобоқулов, маҳалла оқсоқоли Маҳмуд Нурматов бошқош бўлишмоқда.

Эзгуликнинг кечи йўқ деганларидек, янги йилдан, янги асрдан Болғали қишлоғи аҳолиси хонадонларида зангори олов ловиллаши учун ширкат ҳўжалиги барча имкониятдан самарали фойдаланиб, газлаштириш ишларини жадаллаштирмоқда.

Бехзод БАРОТЗОДА.

ҲАР БИР БОЛАГА 3 МИНГ СЎМ

«Қамчиқмахсусав-тойўл» акциядорлик жамияти жамоаси жорий йилда ҳам жадал ишлаб, меҳнатда яхши натижаларга эришмоқда. Чунончи, йилнинг ўтган ойларини давомида мавжуд қурилиш техникасида самарали фойдаланиб, ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан уч баравар кўп бунёдкорлик ишларини амалга оширди.

Япония, Германия ва Россиядан келтирилган қудратли экскаваторлар, бульдозерлар, тракторлар ва бошқа замонавий машина-механизмлар меҳнат унумдорлигининг юксак даражада бўлишига ёрдам бермоқда.

Узининг фидокорона меҳнати билан катта даромад ва фойда олаётган жамоа Ангрен шаҳрида уюштирилаётган тури хайр-эхсон тадбирларида ҳам фаол қатнашмоқда. Яқинда яна бир савобли иш қилинди. Шаҳардаги 34-меҳрибонлик уйида тарбияланаётган ўн нафар ўғил болаларининг суннат тўғи ўтказиб берилди. Бунинг учун ҳамма харажатларни йўл қўрувчилар қўтарилди. Шунингдек, ҳар бир тўй бола номига жамғарма банкда ҳисоб рақами очилиб, 3 минг сўмдан пул қўйилди.

Мунаввара ИСОКУЛОВА.

ТИББИЙ МУАССАСАЛАР УЧУН

«Уэфармсаноат» концернининг «Туронтиббийсервис» давлат қўшама корхонаси энг янги тиббий техника ва асбоб-ускуналарнинг маҳаллий намуналарини кўргазмасини очди.

Намойиш этилаётган буюмлар орасида турли хил кўринишдаги тиббиёт шифоғлари, массаж ва текшириш қушкетлари, шифохона кароватлари, пеноплен ишлаб чиқариш учун фото-ролласт хомаше, қадқоқлар ленталари ва бошқа буюмлар бор.

Кўргазма ташкилотчилари ўзларининг маҳорати ва имкониятларини намойиш қилиш билан биргаликда ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилган ранг-баранг асарлари намойиш этилди.

(ЎЗА).

«ШАНКАР»

совриндорлари

Ҳиндистон пойтахти Дехлида болалар ижодиётининг анъанавий «Шанкар» халқаро танлови бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг кўпалак мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистонлик ёш рассомларнинг турли мавзуда яратилган ранг-баранг асарлари намойиш этилди.

Куни кеча халқаро танлов ташкилий қўмитасидан юртимизга хушхабар келди. Унда маълум қилинишича, Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидagi республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ўқувчилари, мамлакатимизда ва чет элларда ўтказилган бир қанча кўргазма, танловларнинг қатнашчиси Аҳмад Хамроевнинг «Олтин дўппи», Нурхон Зиёноновнинг «Олиффа қиз» расмлари «Шанкар-2000» халқаро танловининг Жавоҳарлар Неру олтин медал билан тақдирланган. Лицейнинг яна уч ўқувчиси - Бобур Раҳмонов, Мария Куприянова, Зарина Гисматуллина эса «Мустақиллик», «Байрам», «Биринчи кўнғирок» асарлари учун халқаро танлов совриндорлари бўлган.

(ЎЗА).

Сиз ҳеч Паркент асалидан тотиб кўрганмисиз? Тортиб кўрмаган бўлсангиз, энди, албатта, истеъмо қилинг. Муболага эмас. У ўзининг хушбўйлиги, мазаси тотлиғи, шифобахшлиги билан ажралиб туради.

ПАРКЕНТ АСАЛИ

Юртимизда Паркент туманидаги «Кумушкон» қишлоғининг тарихини эшитмаган одам кам топилади. Бу ҳудудда жойлашган сийхатгоҳда нафақат, ўзбекистонликлар, балки кўплаб хорижликлар ҳам ўз саломатликларини тиклаб қайтадилар. Кумушконнинг айримлар эшитмаган яна бир хислати ҳам бор. Бу ерда кўплаб шифобахш дори-ворсимликлар, ўт-ўланлар ҳам етиштирилади, йиғиб-тегиб олинади. Ана

риш ва асал олиш учун имкон бор. Кўриб турганингиздек, эришилган натижа-лар ёмон эмас. Албатта, хали асаларичиликни ривожлантириш учун янада қаттиқ ва изчил меҳнат қилишимиз кераклигини яхши биламиз.

Хўжаликда бу борадаги ҳаракатлар бошланди. Меҳнатни ташкил этишнинг ижара пудрати усули жорий этилди. Ҳозирги кунда мажбур мингдан ортиқ асалари янлари 15 нафар ижарачиларга бириктириб

қўйилди. Асаларичиликда катта тажрибага эга бўлган бу ижарачилар хўжалик билан тузилган шартнома режаларини бажариш билан биргаликда тармоқни ривожлантириш устида иш-лашмоқда.

Ана шу режаларнинг биттаси Паркент асалини, аввало, вилотимиз, республикамиз меҳнаткашларига кўпроқ етказиб бериш, айна вақтда уни хорижга ҳам экспорт қилишдан иборат.

Албатта, бу ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Бунинг учун бир қатор ташкилий ишларни амалга ошириш, махсулотни жаҳон андозаларига мос қадқоқлаш зарур бўлади. Энг асосий махсулот сифати талабга жавоб бериши

керак. Яқинда хўжаликка ташриф буюрган мутахассислар Паркент асалининг сифатини юқори баҳолаб, унинг барча талабларга жавоб беришини таъкидладилар.

Паркентлик асаларичилар ана шундай истиқбол йўлида меҳнат қилмоқдалар, изланмоқдалар. Дарҳақиқат, Паркент асалининг довуғини янада ёйиш учун бу ерда барча имкониятлар бор. Ҳамма гап улардан самарали ва тўғри фойдаланишда қолган.

СУРАТЛАРДА: (юқоридан) хўжаликда асаларичилар ана шундай парварши қилинади ва асали йиғштириб олинади; хўжалик раҳбари Равшан Жуманов ва лаборатория ходими Сальция Осмонова қадқоқланган махсулот сифатини яна бир бор таҳлил этишмоқда.

Александр МАЛЬЦЕВ олган суратлар.



Кўп менда гуноҳ, энди савоб ким қилғай,
Кўп менда саволи, энди жавоб ким қилғай.
Қайдаки хоки пок тавоф қилдим мен,
Ҳокимни менинг энди ким тавоф қилғай.

Пахлавон МАҲМУД.

Таътил кунларининг бирида кўнгил яқин бир дўстимнинг дийдорини истади. Бундай дамларда одатда телефон гўшаги кўтарилади-ю, керакли рақамлар терилади. Шундай ҳам қилдим. Танишимнинг қизи: «У киши Ангрендаги қариндошимизни йўқлаб кетувдилар, уч-тўрт кун ўша ерда бўларканлар, истангиз сиз ҳам борар экансиз, тайинлаб кетганлар», жавобини қилди ва керакли йўл-йўриқни тушунтирган бўлди.

«Сайил ҳам сайил, саргардон ҳам сайил», деганларидек, ўзимга нотаниш йўлга отландим.

Оҳангарон водийсининг Қизилтов этакларида жойлашган хонадонга рўбарў бўлдим. Эшик қоқиб, хонадон соҳибининг исми-шарифини айтиб қақирдим.

— Эшик очик, кираверинг, — деган шикаста овоз эшитилди.

Ноқулайликнинг остонасидан хатлаб, ҳовлига кирдим. Саранжом-сариста хонадоннинг фариштамонанд бекаси пешвоз чиқиб, салом берган, қимлигимни сўради. Айтдим: «Фалон қариндошингизни излаб келувдим, у киши сизларникида кўнган экан. Кўриб кетай дедим».

«Бир жойга кетувдилар, ҳозир келиб қолсалар керак. Уйга қиринг».

Одатда эркакни йўқ хонадонга бегона кишининг қилиб келиши мумкин эмас. Одатимиз, одобимиз шундай. Аммо мен бу одатга қилоф равишда дастлабки қадамни босиб қўйган эдим. Назаримда ноқулайлик юки менга ҳам, бекага ҳам ўз ҳукмини ўтказа бошлаган эди.

Харҳолда, эркакларга нисбатан аёллар бундай пайтда журъатлироқ бўлишади. Саломатхон ноқулай ахволга тушиб қолганини тушунди. «Кўчада турсангиз гап қилишадими», дея қўярд-қўймай ичкарига бошлади. Ўтирдик. Таомилга кўра элу юртга тинчлик, хо-

тиржамлик ато этишини тилаб дуо қилган бўлдим. Бека дастурхон ёзиб, нон синдирди, чой дамлаб келди. Қутилмаган меҳмонни дастурхонга ундади.

Сўз-сўзга улашиб яқинда оила бошига тушган музибатга бориб тақалди. Шу ўринда айтишим жоизки, мен Саломатхонни ҳам, унинг турмуш ўртоғи Қаримжонни ҳам ғойибона билардим, аммо кўрмагандим. Уларнинг бо-



шига тушган қайғу-хасратдан эса мутлақо беҳабар эканман. Шу боисдан ҳам кўнгил сўраб, сабр-тоқат тиладим. Саломатхон гоҳ ўртаниб, гоҳ қуюниб кўзларидан шашқатор оққан ёшларини сидириб, яккаю-ягона фарзанди Хурсандбекнинг ҳалокати ҳақида сўзлаб берди.

... Тенгдошлари билан Қизилтов этакларида мол боқиб юрган Хурсандбек ногаҳон чуқурликка тушиб кетган ўртоғини бир амаллаб қутқаргану, ўзини ўнглай олмади ўша чоғга тушиб қолганини сезмаган. Кўп уринишлар, ҳаракатлар эса самарасиз кетган. Яқин-атрофда унга ёрдам бера оладиган катталар ҳам бўлмаган. Тупроқ уюми сурилиб кетиб болакани босиб қолганлиги оқибатида фожеа юз берган...

Фарзанд доғи бу хушрўйгина аёлни адои тамом қилганлиги шундоққина қўриниб турарди. Шу топда Саломатхон адоқсиз қайғуларини, армонларини, кўрган-кўраётган дарду-хасратларини айтиб йиғлапти-ю, менинг кўнглим алағда, шу муштипар онага қандай таскин, тасали бе-

ришимни билмай, ҳайронман.

Харқалай, мен бу хонадонга тасодифан келиб қолган йўловчи, ўзим истамаган ҳолда онанинг қайғуларига, хасратларига шерик бўлиб қолган эдим...

Ёраб, бу қандай бедодлик,
кўзулик ўзи,
Она йиғлаганда сўз топиб
айтолмасанг,
Ёраб, бу қандай кўнглини
сўзулик ўзи,
Она йиғлаганда минг бор
улоқиб,

Бир бор ортга қайтолмасанг:
— Қандай инсон
бўдинг, ўзи?!
Бўғзимдан отилиб
чиқмас сўзларим,
Овута олмадим йиғлақ
хаёлини,

Тунлари ҳў бўлган болиш
кўзлари —
Овута олмадим ўғли
ўзган аёлини...

Ва нихоят... дўстим ҳам, хонадон соҳибни ҳам биринкетин кириб келишиди... Қуръон тиловати она фарёдини енгди чоғи, зироқираган кўнгил бироз таскин топаддек бўлди.

Сахар туриб, Хурсандбекнинг зиёратига бордик. Қабрлар оралаб борарканмиз, ўзи сингари кичкина қабрдаги мрамор ёдгорлик лавҳага шундай сатрлар битилганди:

Эй, йўловчи, бир дам эзил,
урёнлар пастдур,
Яратган назидида
оҳу гирёнлар хасдур.
Қара, бунда кун кўрмаган
бир сўдақ ёттур —
Кўнглида ушамас
армонлар бадастур.

Эй, йўловчи, саҳарларинг
ибодат бўлсин,
Бу дунёни яратганга
итиоат бўлсин.

Қара, бунда кун кўрмаган
бир сўдақ ёттур —
Дуолари, дуалари
ижобат бўлсин!
Шавкат ТУРОБ.

ДУНИЁ янги
АСР
бўсағасида
воқеалар • мамлакатлар • одамлар

ҚИСҚА САТРЛАРДА

МУЗОКАРА ЎТКАЗИШГА ТАЙЁР

Ҳиндистон Бош вазири Атал Бихари Вахпаи Покистон билан ўзаро алоқаларни барқарорлаштириш масаласида музокара ўтказишга тайёргилини билдирди. Бироқ бунинг учун расмий Исломобод Ҳиндистон шимолида фаолият кўрсатаётган террорчи гуруҳларга қўмак беришдан тийиллиши лозим, деди Бош вазир.

ҲАРАКАТЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шри-Ланка армияси «Тамил илама» озодлик йўлбарслари»га қарши жанговар ҳаракатларни давом эттирмоқда. Биз бундай шароитда ҳукумат вакиллари билан тинчлик музокараларига кириша олаймиз, деди айрымачи гуруҳ раҳбарларидан бири. Унинг айтишича, сиёсий мулоқотлар фақат ҳукумат ҳарбийлари жанговар ҳаракатларни тўхтатган тақдирдагина ўтказилади.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТДА АЁЛЛАР

Германияда келаси йилдан бошлаб аёллар ҳам мамлакат қуролли кучлари сафида хизмат қилишни бошлайди. 2001 йилнинг январидан бошлаб 244 нафар аёл хизматга қабул қилинади ва эркаклар билан бир сафда жанговар ҳаракатларда иштирок этади. Немис аёллари шу пайтгача мамлакат армиясида фақат шифокор вазифини бажариб келар эди.

ДАСТУР МАЪКУЛАНДИ

Халқаро валюта жағмармаси директорлар кенгаши Молдовага 142 миллион АҚШ доллари миқдорда қарз ажратиш ҳақидаги дастурни маъқуллади. Бу дастур уч йилга мўлжалланган. Жағмарма вакилининг билдиришича, бу маблағни қашшоқликни тугатиш ва иқтисодиётни ривожлантиришга сарфлаш кўзда тутилган.

КУБАДАН СЎНГ КАНАДАДА

Россия президенти Владимир Путиннинг Кубага ташрифи аяқланди. Шу билан бирга, унинг Канадага уч кунлик расмий сафари бошланди. У бу ерда мамлакат раҳбарлари билан музокаралар ўтказди. Учрашуларда томонлар икки мамлакат ўртасида иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш ва дунёвий хавфсизлик масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашди.

Маълумотларга қараганда, икки мамлакат ўртасидаги махсулот айриб-бўлаш ҳамми бир миллиард Канада доллариға етади. Бироқ бу Канада умумий ташқи савдосининг 0,2 фоизини ташкил қилади, холос.

АЛОҚАЛАР РИВОЖИ ШАРТИ

Шимолий Корея Европа гарбидаги барча давлатлар билан алоқаларни ривожлантириш тарафдори. Бироқ бу ҳамкорлик ўзаро ҳурмат ва бир-бирининг ички ишига ара-лашмаслик тамойиллари асосида қурилмоғи лозим, деди КДР ҳукумат вакилларидадан бири.

Хабарларга қараганда, Шимолий Корея ҳозир Европа Иттифоқининг беш мамлакат билан дипломатик алоқа ўрнатган. Яқинда улар сафига Буюк Британия ва Италия ҳам қўшилди.

Эсингизда бўлса, Муқимий номли мусиқали драма театрида буюк испан драматурги Лопе де Веганинг «Кўзи булоқ» драмаси сахналаштирилган эди. Бу Кўзи булоқ — Фуэнте Валерос Испаниянинг Андалусия музофотида жойлашган. Буюк испан шоири, авжи навқирон 38 ёшида фожия ҳалок этилган Федерико Гарсия Лорка ҳам Кўзи булоқ қишлоғида туғилди. Мен Лорка ҳақида илҳоми шарабга тўлган чоғида ҳаётдан кўз юмган ажойиб шоиримиз Шавкат Раҳмондан эшитган эдим. У ўз вақтида Лорканинг шеърларини ўзбек тилига ўғирганди.

«Болалигим, ошуфта, соқинликда ўтган болалигим», деб ёзган эди Лорка ўзининг хотираларида. Болакай сира ҳам китобдан айрилмасди. Ўн беш ёшида ҳам, ўттиз ёшида ҳам дўсти китоб бўлди. У ажойиб шеърлар ёзарди. Уларни дўстларига тақдим этарди. Ўзиде қораламаси ҳам, нусхаси ҳам қолмасди. Тенқурларини ўз ҳолига қўймасди: «Болаларга томоша қўйиб берайлик, мусиқасини буюк бастакор Монуэл де Фальяга ёздираамиз», «Гренада мусика байрами ўтказайлик», «Хўроз» деган журнал чикарайлик, майли, Гренада оқшом газетасининг иловаси бўлақолсин... У жуда кўп нарсаларни орзу қилди, орзуси амалга ошди. Лекин рўбенин кўрмаган орзулари ҳам кўп эди. Улар эҳтимол ҳозир ҳам Андалусия осмонига оппоқ булутлар каби сузиб юрган бўлса ажаб эмас.

Лорканинг 1922 йилда — ўшанда у 24 ёшда эди — Халқ кўшиклари байрами — «Канте хондо» ўтказиш учун жонбозлик қилганини замондошлари хайрат билан таърифлашган. Унинг раҳбарлигида ташкил этилган «Ла баррака» театр труппаси томоша нималигини тасаввур қилмайдиган жуда олис қишлоқларга ҳам борар, ўз санъатларини намойиш этарди. Икки катта аравадаги театр Испания бўйлаб кўчиб юрарди. Қаерга бормасин, уч соатда сахна пайдо бўлар, одамлар нафсаларини ичкарига ютиб, Лорка ёзган пьесалар асосида қўйилган спектаклларни томоша қилардилар.

ТЎҚНАШУВ ҚУРБОНЛАРИ

Индонезиянинг Ачех вилоятида ҳукумат армияси билан айримачилар ўртасидаги тўқнашувлар давом эттирмочти. Шундай тўқнашувлар сабаб, ўтган икки кун ичида ўн бешга яқин одам ҳалок бўлди. Улар орасида ҳарбийлар ҳам бор. Хабарларга қараганда, айримачилик асосидаги уруш-жанжаллар вилоятнинг туманларига ҳам ёйилмоқда.

XX асрнинг сўнгги юлдузлари

Орадан йиллар ўтиб кетди. Шу кеча-кундузда ҳам гранадалик қариялар Лорканинг та-бассумини, унинг шеър ўқигандаги эҳтиросини бола-ларча бегубор кўзларини эслаб юрадилар.

Афсус, бу хотиралар қозғоларга кўчмайди. Фақат Лорканинг дўстига ёзган бир хатигина омон қолган. Унда шундай сатрлар бор: «Шеърларимда ҳеч қачон ўз ҳолатим акс этмаган. Чунки дилингдаги энг эзгу дардларинг

ИККИ БУЛОҚ ОРАСИДА ҚОЛГАН УМР

ўзинг билан қолсин, одамларга эса шодлик улаш. Чехрангда қувонч барқ урсин. Бу бизнинг бурчимиз. Лекин ҳаммаша шод бўлиб юриш ҳам қийин. Лекин бизнинг қисматимиз шундай».

1936 йил. Лорканинг «Лўлилар романи» китоби босилиб чиқади. Китобни қўлга олган жан-дарм полковниги муаллифини судга беради. Орадан бир канча вақт ўтиб, ушбу китоб Лорканинг бўшга қўп савдолар солди. Сабаби ўша йиллари дунё бўйлаб қора вабо, биз «фашизм» деб атайдиган даҳшат барчага таҳдид сола бошлаган эди. Испаниянинг ҳокими мутлақи бўлган генерал Франкнинг «ё

биз билан, ёки йўқсиз» деган сўзлари барчани ҳаяжонга келтирди. Лорканинг олдида ҳам икки йўл турар эди: ё бирга бўлиш, ё ўз йўлидан кетиш. Лорка иккинчисини танлади.

Шоирнинг овози бутун Испания бўйлаб анграй бошлади. Унинг романсларини ҳамма қуйларди. Томошаларининг охирида одамлар оёққа туриб: «Яшасин озодлик!» деб қичқирарди. Лоркани ҳамма ерда таъқиб қила бошладилар. 1936 йил ёзида Федерико Гарсия Лорка Мадриддан Гренадага кетишга мажбур бўлди. У ўз ўлими-



киши отиб ташланди. Лорка одати бўйича оташин шеърларини ўқийверди. Ўқ унинг озғига тегди. Шеърлари бўғзида қолди. Шоирнинг ўлганига икки ҳафта мобайнида ҳеч ким ишомнади. Икки ҳафтадан сўнг бутун Андалусия, бутун испанияликлар унинг хотираси учун мотам тутдилар. Ёвуз душманлар шоирни иккинчи маротаба қатл этишди: унинг барча китоблари мамлакат бўйлаб йиғиб келиниб, Гренада-дек катта майдонда ёқилди. Лекин испан халқи Лорканинг барча шеърларини ёд биларди. Унинг шеърлари тилдан тилга кўчиб яшайверди. Фидойилар эса ёзиб олиб, китоб ҳолига келтирдилар.

Федерико Гарсия Лорка ана шундай шоир эди. Ҳозир ҳам Андалусияга, Гренадага бориб қолсангиз, Лорка ҳақида гап айтсангиз, унинг шеърларини ўқисангиз одамлар аҳли бош кийимини олиб, таъзим қилади. «Ай-даамир булоғи қанчалар абадий бўлсин, Лорканинг шеърлари шунчалик ўлмасдир», дейишади.

Кўзи булоқда дунёга келган шоир Кўз ёшларга абадият топди.

Темур ЙЎЛДОШЕВ.

ДИПЛОМАТИК АЛОҚА ЎРНАТИЛАДИ

Литва билан Югославия ўзаро дипломатик алоқа ўрнатмоқчи. Расмий Рига Воислав Коштуница Югославиянинг янги президенти этиб сайлангандан сўнг, яъни октябрда мазкур давлат билан дипломатик муносабат ўрнатишга қарор қилган эди. Орадан бир неча кун ўтиб, бу ташаббус расмий Белград томонидан ҳам маъқулланган.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ
ҲАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ИШЛАРИ

● Янги Гвинейда йигит севган қизининг олдига илтифот билан келиб, бир томонига ўз сурати

ёпиштирилган таштача билан севган қизининг юзини силайди. Бу эса «мен сени севаман, кел, турмуш қўрайлик», дегани бўлар экан. Йигит-қиз шу усулда бир-бирларига дил изҳори қилишар экан.

● Мавайян қабила-сида ажойиб одат бор: аввало йигит қиз ишлайдиган корхонага бориб, ёнида қарашган бўлиб ишлаб юрарканда, синагач, фурсат топиб, севгисини изҳор қилиб уйлана экан.

● Африка минтақа-сидаги мамлакатлардан бирида қиз вояга етганда ота-онаси яхшилаб кийинтириб, тақинчоқлар тақиб, кўчама-кўча ашула айттириб, рақсга тушириб қизнинг ла-тофати, гўзаллигини на-мойиш қилишар экан. Йигитларнинг юраги «жиз» этса дарҳол қиз ёнига келиб, рақсга тушар ва бу «сени се-виб қолдим, уйланаман» дегани экан. Шундай қилиб улар турмуш қуришар экан.

Муборак Рамазон ўғитлари

ХИЗМАТГА ҲОЗИРМАН

— Яна кимникига? — сўради Зарофатхон аслаҳанжомини халтага жойлаётган Зоиржонга. — Ахир бугун шанба, бундоқ дастурхон атрофида бола-чака билан гурунлашиб ўтиришни ўйлайсизми?

— Ахир уч кундан бери келиб, илтимос қилади. — Зоиржон қаддини ростлади. — Бормасам бўлмас, ишонтириб қўйганман. Чойни бўлса, албатта, ичамиз. Ишни тез битиришга ҳаркат қиламан.

Зоиржон чиқиб кетгач Зарофатхон хўрсинди: — Қаёқдан ҳам устага турмушга чиққан эканман. Ўз уйини тузатишга вақт тополмайди. Мана, янги уйнинг деразаларини ҳам ун олти ёшли ўғли ясапти.

Одамларда ҳам инсоф қолмади шекилли. Ахир, бунинг ҳам бола-чакаси бор деб ўйлашмайди.

Зарофатхон тушликни бир ўзи қилди. Аксига олиб ўғли ҳам ишим бор, деб чиқиб кетди. Дилгир бўлиб ўтирганда, кўшниси Дилоромхон кўринди.

— Ҳа, айланай, бир ўзингиз шўппайиб ўтирибсиз, — шарақлаб кулди у. Зарофатхоннинг дили оғриди. Бир бо билламоқчи бўлди-ю, ўзини босди.

— Ўзингиз ҳам ҳеч кими йўқдек кўчада юрибсиз-ку, — деди у иложи борича босиқлик билан. Дилором эшитмагандек гапира давом этди. — Зоиржон йўқми? Шу эркакларга ҳам хайронсан, гулдай хотинини ташлаб

қаёқларда юради-я. — Бу гап Зарофатхонга қаттиқ ботди. — Ҳа, юрса бола-чакам деб юрибди, — деди у. — Сизники кўчага чиқмайдими?

— Пишиллаб ухлаб ётибди. — Яна хандон ташлаб кулди Дилором. — Келинг, кўйинг, айланай, бир ҳасратлашайлик...

... Зоиржон айтганидек тушдан оққанда уйга кириб келди. Ювинди, таранди. Эрхотин дилдорлик билан кечки дастурхон атрофига ўтирдилар. Ошга фотиҳа ўқилар-ўқилмас, ҳовлидан Эркин домланинг овози келди.

— Зоиржон, уйдимисиз?! — Келинг, келинг, — эрхотин уни иззат билан кутиб олди. — Қани, дастурхонга марҳамат. — Йўқ-йўқ, одамларни ха-

барлаб юрибман, — деди Эркин домла. — Эртага Ша-рифжонникида ҳашар, бир-га бўласиз. Жўжабирдай жон, ҳавои жаҳон очилиб турганда томини ёпишиб юборайлик. Савоб бўлар.

— Сира ҳам тинч кўйишмас экан-да, — деб юборди Зарофатхон. — Кейин тилини тишлаб қолди.

— Ҳа, қизим-а, — бошини сарак-сарак қилди Эр-кин домла, — бундан се-винмайсизми? Эшикдан биров йўқламаса қандай ёмон. Пайғамбаримиз бир ҳадисларида айтибдилар: «Кимники Тангри дўст ту-тиб қолса, одамларнинг унга ҳождати тушадиган қилиб қўяди». Зоиржон худди мана шунақа инсон.

— Хизматга ҳозирман, — деди Зоиржон кўлини кўксига қўйиб.

Темур УБАЙДУЛЛО.

БИРДАМ БЎЛИБ

Ватаним деб жондан кечса оқиллар,
Яхши кунни кўролмайдилар жохиллар.

Оқ бор ерда қора пайдо ҳар доим,
Ёмонлардан асра юртни, худойим.

Тузни ичиб тупурганлар тузлуққа,
Банди бўғов бўлар доим ўзликка.

Ундайларга мутлақо йўл бермайлик,
Банди бўғов бўлар доим ўзликка.

Олоҳ севар аҳил, бирдам бандани,
Аҳилликни барбод этар куч қани?!

Ҳамдам бўлиб яшайлик биз омонда,
Яхшилик барқ урсин Ўзбекистонда.

Шеърят

ЧОРА АЙЛА

Дунёга келганинг ошқора айла —
Савоб олмоққа мудом чора айла.

Диёнатни ҳамроҳ этгил доимо,
Разолатнинг юзини қора айла.

Ўқиб ҳар лаҳзада эзгулик дарсин,
Қабоҳатнинг чокидан пора айла.

Дўст билан обод қил кўнгли уйин,
Сўхбатингга шоирни Жўра айла.

Жўрашер МАҲКАМОВ,
Тошкент тумани.

СОВЧИЛАР НОУМИД ҚАЙТСИ

Хосият холатининг уйдан совчилар яна ноумид бўлиб қайтилар. Ҳамма ҳайрон: «Ахир тўрт қиз кетма-кет етилиб турган, ҳатто катта қизларини ёши ўтиб қолган бўлса, нима учун узатмайди?» Лекин Хосият холати қайсидир маънода тушуна бўлади. Катта қизининг бошига тушган оғир қисмат уни шу йўлни танлашга мажбур қилган эди.

Катта қизи Хатирани яхши ниятлар билан турмушга чиқарди. Тўйлари ҳеч кимникидан кам бўлмади. Икки ёш тинч-тотув ҳаёт кечира бошладилар. Аммо, бу узоққа қўзилмади. Ҳаде-ганда кўёв ичиб келиб, хотинини бўлар-бўлмасга ура-диган одат чиқарди. Вақти-вақти билан қайнона ҳам келинни ўғлига ҳар хил ба-ҳоналар билан ёмонлаб, гиж-гижларди. Қиз бечора дардини ҳеч кимга айтол-мас, онасининг юрагини тирнағиси келмасди. Кўёв-нинг бу қилмишлари охи-роқибат шунга бориб етди-ки, келиннинг қимматбаҳо буюмларини сотиб ичиб юборди. Агар бу ҳақда би-роғта оғир оҳча, уни ўлди-ришни айтиб, хотинига дўх урарди. Бориб-бориб бу калтаклар жуда ҳам кучай-иб кетди. Хуллас, кўёв бўлмиш аллақачон бузилиб бўлганда. Гоҳида кечалари уйга келмай, қаерлардадир қоладиган одат чиқарди. Шунда ҳам келин бечора ҳеч кимга чурқ этмади.

Кунларнинг бирида ўғли-нинг хотинига қарашаётгани-ни кўрган она, уларнинг ёнига келиб: «Ҳа, ўғлимни ўзинга оғдириб олдингми, онасидан тескари қилмоқчимисан?», деди. Унга жавобан келин: «Нима қилибди бир марта қарашсалар? Фақатгина оғир

ди. Шубҳалари ошган ота-она қизлари қаердалигини билишни хохлашар, қуда билан қувдан қаердалигини айт, деб талаб қилишарди. Охири милиция ходимлари-ни бошлаб келиб, молхона-дан қизларининг жасадини топишди...

Мана шу кўргилликларни бошидан ўтказган Хосият хола бу гал ҳам совчиларни ноумид қайтарганиди. Кейин-ги қизларининг тақдирини уни ташвишга соларди.

— Ундай бўлмайди, яхши хонадонга ўхшайди, — дер-ди эри. Қўни-қўшнилари ҳам шунини таъкидлашарди. Фақат Хосият холатининг юраги яп-роқдай титради.

— Билмадим, билмадим... Орадан уч кун ўтиб сов-чилар яна келишди. Хуллас, Хосият холати холи-жонига қўйишмади. Ҳақима қизи унинг дилини увиштириб, ўзга уйга, аслида ўз уйига кетди. «Ёр-ёр»лар Хосият холатининг қоллига «Бор-бор»дек эшитилди.

...Ҳақима онасининг уйи-га яшнаб қириб келганда, Хосият холатининг дили ёри-ди. Ортидан кўёви кўринди.

— Ассалому алайкум, ой-ихон!

Хосият холатининг кўзида ёш айланди: охири билан берган бўлсин.

Нилуфар МАЖИДОВА.

У мана 20 йил-дан бери ҳар кунни майда қадамлар билан қолип, узоқ ма-софага бориб келади.

К. Девисон бу билан фақат са-ломатлигини мустаҳкамлаб қолмади, айнаи вақтда мўймай-на боиллик эгаси ҳам бўлиб қолди. Шу йиллар даво-мида ўз йўлида 5170 долларлик май-да тангаларни топиб олди. Бунинг эвазига у умр йўлдоши билан Гавай оролларида ҳордиқ чиқарди.

Шоҳмат ажойиботлари

Уйин Алёхнинг фойдасига хал бўлди.

Мехмонхонада мулоҳаза қилиб ўтирган Найдорф, рух қур-бонидан сўнг уйин қандай да-вом эттирилишини тасаввур қил-май туриб, жаҳон чемпионини алдаганига пушаймон бўлди.

Икки йилдан сўнг, Алёхнинг учратган Найдорф ростиға қўлди: — Доктор, Моргетда Бек би-лан уйнаган партиянигизда рух қурбони ҳақидаги мени фикрим-ни сўраганингизда мен ёлгон га-пирган эдим: ўша пайт мен ҳеч нимани англамовдим. Сизни комбинациянинг бошидан охири-гача кўрганингизга ҳозир ҳам ишонгим келмайди.

Алёхнинг қилиб, шундай жавоб қилди: — Ташвишланманг, дўстим, мен ҳам ҳеч нарсани кўрмаган-ман, лекин сезганман!

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

Тошкент шаҳри Миробод туманида-ги «Тожибой ота» хусусий фирмаси номига берилган 2581670287 рақамли ер кадастри ҳужжа-ти йўқолганлиги са-бабли

БЕКОР ҚИЛНАДИ.

Тошкент вилояти ҳокимлиги жамо-аси узоқ йиллар Тошкент вилоят иж-роия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаган, меҳнат фахрийси

Сергей Тошқулович ТОШҚУЛОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати би-лан унинг оила аъзолари ва яқинла-рига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бекажон

СУТ ЁҒДАН «ҚЎРҚАДИ»

Юваётганингизда сув-га жиндек сирка қўшиб юборсангиз, гуруч оқ ва мазали бўлади.

Қозоннинг четиға ёғ суриб қўйсангиз, сут тошиб кетмайди. Сут тез қайнаши учун унга бир-икки чакмоқ қанд ташлаб юборинг.

Картошканинг пўстини артмасдан қайнатадиган бўлсангиз, бир-икки жойига ниш уриб қўйинг. У уваланиб кет-майди.

Тузлуққа бир неча донга гуруч ёки босма қозғоз ташлаб қўйсангиз туз нам тортиб, қотиш-мага айланиб кетмайди.

Товуқни бир идишда қайнатиб, сувдан олгач тузлаб, бошқа идишга солиб, устини сочик билан ёпиб қўйсангиз, жуда мазали бўлади.

ҚИЗИҚ ТАҚДИРНИ КАРАНГ

Америкалик Мейжард Нили жуда жасур ин-сон эди. Унинг хавфли хатти-ҳаракатлари ҳаммани лол қолдирарди. Чу-нончи, у оқ тимсоҳнинг тишларини то-заллади, қайнаб турган вулкани усти-дан тортилган арқонда кўзини бой-

лаб ўтган, дахшатли денгиз махлуқи — оқ акуллага миниб юрган, тезорар ав-тойўларда тунда пйедалар ўтиши мум-кин бўлмаган жойлардан ўтарди. Лекин ҳеч шикастланмас эди. Тақдирини қаранг, ана шундай «ноёб» инсон уйи яқинидаги йўлгага ташлаб кетилган банан пўстлоғига беҳосдан тийганиб йи-қилиб, умуртқаси жароҳатланди ва ўзи-нинг юқоридидаги қаби хавфли одатла-рига барҳам беришга мажбур бўлди.

ЮГУРИШДАН КЕЛГАН БОЙЛИК

АҚШдаги Аризона штатининг Феникс шаҳрида истикомат қилувчи Крейг Де-висон югуриш ишқибозларидан бири.

— Азизим, мен бу партияни сизга бағишлайман. Фақат шунинг эдда тутингки, сиз кечириб бўлмас хатога йўл қўйдингиз.

— Қандай хато? — сўрадим мен.

— Сиз иккинчи даражали шох-

мочиларга мўлжалланган оддий вариантларни жаҳон экс-чемпио-нига тавсия этишга журъат этдингиз, — жавоб берди у.

ДИДИ БАЛАНД-ДА

1938 йили Моргетда ар-гентиналик гроссмейстер Найдорф Алёхнинг уратиб қолади. Бош турнирда, Найдорф «биринчи»да уйнар эди. Алёх шунинг мусобақада Бек билан уйна-ган машҳур партиясининг 42-юришида руҳини қурбон қилиб, уйини қузатиб тур-ган Найдорфдан сўради:

— Уйиним дурустми? Комбинациянинг теран-лигини тушулмаган Най-дорф:

— Ажойиб, — деб ҳайқир-иб юборди.

а б с д е ф г ҳ

Диаграммада уйини қоралар бошлайди. Ҳўш, сиз қандай уйнадингиз?

Об-ҳавони қузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 20-24 декабрь кунла-ри пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб турсада ёғингарчилик қутил-майди. Шарқдан Фарбага томон эсган ша-молнинг тезлиги ҳар соғияда 7-12 метрга етади. Шу даврнинг ўрталариға бориб айрим туманларда қисқа муддатли ёғим ёғиши эҳтимоли бор.

Харорат кечалари 1-6 даража, кейинчалик 2 даража совуқ, 3 даража илқ, кундуз кунлари эса, 11-16 даража, кейинроқ харорат пасайиб, 5-10 даража илқ бўлиши қутилади.

Манзилимиз:

700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:

хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48

Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

ҚУЛГА НИМА ЕТСИН

УБАЙДУЛЛА. Республи-камиз мустақил бўлгач, Ўзбекистонда киме фани ривожланиб, қўйма ОЛТИН-ЛАРГА эга бўлди.

ЖАЛОЛИДДИН. Ҳақ гап. Сановатда, қишлоқ ҳўжали-гида ва уй-рўзгор буюмла-рини ишлаб чиқаришда кенг қўлдан қўлланила бошлаган КИМЕ ўз қадди-ни АЗОТ кўтарди.

ИСКАНДАР. Абдулқосим ака, сиз табиятни муҳофаза қилиш бўйича му-тасадди одамсиз. Экологияни сақ-лаш соҳасидаги ишларингиз ҚА-ЛАЙ?

АБДУЛҚОСИМ. Зарарли модда-ларни оқава сув-ларга ташладиган турли ташкилот-ларга жарима сол-дик. Улар бу мод-далар ерга ўғит бўлади, деб юрган экан.

УБАЙДУЛЛА. КИСЛОТА ва ТУЗЛАР ерга ўғит бўла-ди дейишга уларда қандай АСОСЛАР бор?

ЖАЛОЛИДДИН. Бу гап-ни улар ўзларини оқлаш учун ўйлаб топган. Аслида бундай чиқиндиларни таш-ландиқ жойга КҰМИШ ке-рак.

ИСКАНДАР. Бу корхона раҳбарлари сув ТАЛЛИЙ демаса, ТИТАНЛАРГА шу сувдан олармикни?

АБДУЛҚОСИМ. Хатолари-ни башараларига айтсам, бу корхона раҳбарлари оғзига МҰМ ташлаб, ИН-

лаган бундай инсонларнинг бир кунни МИСИ чиқиб қолар.

УБАЙДУЛЛА. Мўмай да-ромдаб олаётган бу кимсалар ишхонада гули хандон, ЗА-ХАРИНИ бошқаларга сочади.

ЖАЛОЛИДДИН. Индамас-ликларига сабаб, билмасдан СУРМА ичиб қўйганмикни?

ИСКАНДАР. Шаҳар эколо-гиясини бузилишида Абдулқосим акамнинг айблари катта. Ши-коятчиларнинг хатларига «отанга БОР, онага БОР» қабилда жавоб қилаяпти.

АБДУЛҚОСИМ. Мен ишга масъулият билан қарайман. Ахир ишхонада АЗОНдан кеч-гача бўламан-ку!

УБАЙДУЛЛА. Иш вақти-да атроф муҳитни назорат қилмайсиз, хонангизда ўти-риб туҳум истеъмол қилар экансиз, КАЛЬЦИЙСИ бор деб.

ЖАЛОЛИДДИН. Тагин жаноблари туҳумни ИЛИТЙИЙ демай, хомлигича сўради-лар.

ИСКАНДАР. Туҳум сўриш барҳам топиб қолар, товук-лар ҳам ТУЛЛИЙ деяпти.

АБДУЛҚОСИМ. Искандар, бу гапингиз билан мени ГЕЛ-ЛИЙ олмайсиз.

УБАЙДУЛЛА. Абдулқосим ака, табият муҳофазасига бундай бефарқ қарасангиз ТЕМИР панжара ортига ту-шиб қоласиз!

ЖАЛОЛИД-ДИН. Ишда бу-рилиш ясама-сангиз, яна сизни ОСМИЙ?

ИСКАНДАР. Ҳозир Абдулқо-сим акамга бир сўз айтмасам, БАРИЙ деяпти.

АБДУЛҚО-СИМ. Дўстлар танқидингиздан СИМОБ бўлиб эриб кетдим. Табиат муҳо-заси ҳаммамиз-нинг ишимиз.

Ундан кўра узумдан олинган, унда ГЛЮКОЗА бор.

УБАЙДУЛЛА. Майли, Абдулқосим акамнинг ИШҚО-РИНИ оздирмай узумдан ол-масак, бунинг ҳам СПИРТ қилиб юборарди.

ЖАЛОЛИДДИН. Узумни ҳозир истеъмол қилмасак, эртага ИРДИЙ дейсиз.

ИСКАНДАР. Гапни шу ерда тўхтатганимиз маъқул. Абдулқосим акамни ҳам СИРКАСИ сув кўтармайд.

АБДУЛҚОСИМ. Соғлом ав-лод йилда кўпроқ узум исте-ъмол қилиш — киши танига қу-ват — САХАРОЗА бўлади.

Оққа кўчирувчи:

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.

Вилоят ИИБ матбуот маркази хабар қилади

АЁЛ ҚЎЛЛАРИДАГИ ОҒУ

Бекобод шаҳрида жойлашган «Дўстлик» назорат پوستидан ўтаёт-ган шахсий автоулов текширилган-да, йўловчи бўлиб кетаётган Гул-нора исмли аёлнинг ёнида 2 кило-граммдан ортиқ героин моддаси борлиги маълум бўлди.

Нафосат рамзи бўлмиш аёл қўллари ажал уруғини тарқатишга ҳам мойил эканлиги дахшат. Суд жиёқфурушга нисбатан ҳаққоний ҳукми чиқариши шубҳасиз.

ҲАЗМ БЎЛМАДИ

Олмалик шаҳрида истикомат қилувчи хусусий фирма раҳбари савдо қондаларини бузган ҳолда икки ой мобайнида 66.000.000 сўмлик спиртли ичимликларни кас-са аппаратида ўтказмасдан савдо қилганлиги маълум бўлди.

«Қилмиш-қидирмиш» деганлари-дек, бугунги кунда баднафслик оқибатида қонун доирасидан чиқиб, давлатга катта миқдорда зарар келтирган бу ишбилармон раҳбар-нинг қилмишлари фош этилмоқда.

Рустам ПИРМАТОВ, вилоят ИИБ матбуот маркази ходими.

РАССОМ ТАБАССУМИ

— Тила тилагини, чол? — Тилагим шуки, тез-тез тўримага тушиб турсанг, қами-қўстини би-тириб олардим.



— Болам, буларнинг қилосини неча сўйдан олдинг? — Абдурауф ХАКИМОВ чизган суратлар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48

Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

Эълон ва билдирув-лардаги факт ҳамда да-лилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берув-чилар масъулдир.